

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 20 (10.829)

Баҳоси эркин нархда

ИТТИФОҚЧИЛИК ТАМОЙИЛАРИ — АМАЛДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 29 ЯНВАРЬ КУНИ ОКСАРОЙДА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИНING МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ФАВКУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ФАРИТ МУХАММЕШНИН КАБУЛ КИЛДИ.

Россиялик дипломат Президентимиз Ислам Каримовга ишонч ёрлигини топириган 2003 йилда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларда янги давр бошланаётган эди. Россия Президенти Владимир Путиннинг 2004 йил июнь ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида мамлакатларимиз ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома имзоланди. Орадан бир йил ўтиб, 2005 йилнинг ноябрида Ислам Каримов ва Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномага имзо чекдилар. Бу билан икки томонлама алоқаларни энг олий даражага кўтариш учун ҳуқуқий асос яратилди.

Ўзбекистон ва Россия қарийб барча соҳаларда ўзаро ҳамкорликни изчил ривожлантириб келмоқда. Давлат раҳбарларининг учрашувларида ўзаро муносабатларга доир масалаларга, халқаро ва минтақавий муаммоларга нисбатан икки томоннинг қарашлари бир хил ёки яқин эканлиги қайд этилади. Бундай ҳамфироқлиқ ўзаро ишонччи мустақамлашга хизмат қилмоқда.

Иқтисодий алоқалар фаоллашувининг амалий натижаси сифатида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Газпром» оқич акционерлик жамияти ўртасидаги келишувни келтириш мумкин. «Газпром» Ўзбекистон нефть-газ саноатига 1,5 миллиард АҚШ долларини миқдорида сармоя киритишни режалаштирган. Бундан ташқари, «Лукойл» (нефть-газ), РУСАЛ (алюминий), «Вим-Билль-Дан» (озик-овқат) каби йирик компаниялар билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. 2006 йил мамлакатларимиз ўртасидаги савдо ҳамжиқматлиги

миллиард АҚШ долларидан ошди. Мамлакатларимиз ўртасида ижтимоий соҳадаги ҳамкорлик ҳам йилдан-йил фаллашмоқда.

Ўзбекистоннинг «Фориш» полигонидида ҳамда Россиянинг Краснодар ўлкасида ўтказилган аксилтеррор машқлар ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳадаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланиб бораётганидан далолатдир.

Ўзбекистон — Россия муносабатларининг ҳозирги тараққиёт босқичи икки мамлакат Президентларининг учрашувларида эришилган келишувларнинг ҳаётдаги амалий ифодасидир. Бу келишувларни амалиётга таъбиқ этишда кўплаб соҳалар вакиллари самарали меҳнат қилаётганини таъкидламоқ жоиз. Жумладан, Россиянинг Ўзбекистондаги элчиси Фарит Мухаммешиин икки томонлама алоқаларни ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшиб келаётди.

Учрашувда Президент Ислам Каримов Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларни мустақамлаш, халқларимиз ўртасида илмий, маданий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги хизматлари учун Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавкуллодда ва мухтор элчиси Фарит Мухаммешиин Ватанимизнинг «Дўстлик» орденини топириди.

Ф.Мухаммешиин юксак эътибор учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон-Россия муносабатларини янада ривожлантириш йўлида бундан буён ҳам куч-ғайратини аямаслигини, бу масъулиятли ишни ўзи учун катта шараф, деб билишини таъкидлади.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!
Япония ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 15 йиллик санаси, ҳақиқатан ҳам унутилмас воқеадир.

Бундан 15 йил аввал ўрнатилган икки томонлама муносабатлар бугунги кунда ҳам муваффақиятли ривожланмоқда.

Ўтган йили собиқ бош вазир Жюньчиро Коидзуми Ўзбекистонга ташриф буюрган Япониянинг биринчи бош вазир сифатида мамлакатимизда бўлган эди. Ташриф чоғида унинг Сиз Жаноби Олийлари билан ўтказган самарали музокарали икки томонлама муносабатларнинг ривожланиши ва сифат жиҳатидан янада юксак даражага кўтарилишида муҳим ўрин тутди.

Япония ва Ўзбекистон 2004 йилдан бошлаб Марказий Осиё мамлакатлари билан муносабатларининг асоси ҳисобланган «Марказий Осиё + Япония» мулоқоти доирасида фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамжиқматлик кўп томонлама хусусият касб этиб, икки томонлама муносабатлар доирасини янада кенгайтирди, бу эса бугун минтақада барқарорлик ҳамда фаровонлиқни таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида қарор топган самимий дўстлик муносабатларига таянган ҳолда, Ўзбекистон билан шериклик алоқаларини янада мустақамлаш йўлида хизмат қилишга тайёрлигини ва бундан буён ҳам Сиз Жаноби Олийлари билан яқин ҳамкорликни давом эттириш ниятида эканлигини изҳор этмоқчиман.

Сиз Жаноби Олийларига мустақам соғлиқ, бахт-саодат, Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Шинзо АБЭ,
Япония Бош вазири



Кечка сатрларда

• **БУГУН** Чилонзор туманидаги 281-мактабда «Камолот» ЁИХ туман бўлими ташаббуси билан «Камолот» ва «Камалак» сардорлари иштирокида уюштирилган семинар «Камолот» ва «Камалак» — доим бирга бўлажак» деб номланди.

• **ШАЙХОНТОХУР** туманидаги 115-мактабда «Оила — мактаб — маҳалла» концепцияси тўғрисида» мавзuida ўтказилган семинарда «Камолот» ЁИХнинг мактаблардаги етакчилари қатнашди.

• **ТАЪЛИМ** сифатини янада яхшилаш мақсадида Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети геология факультетида электрон кутубхона ташкил этилиши режалаштирилди.

• **БУГУН** Миллий матбуот марказида «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти ташаббуси билан «Оролбуйи минтақаси: аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш йўлида ҳам-

корлик» мавзuida Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенат аъзолари, Қонунчилик палатаси депутаты, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгазининг вакиллари, вазирилик ва идоралар, нодавлат ташкилотлар, дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар вакиллари, эколог олимлар ҳамда журналистлар иштирокида халқаро конференция ўтказилди.

• **ТОШКЕНТ** Юридик коллежидида воёга етмаган ўсмирлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳоллари содир этилишининг олдини олиш чораларига бағишланган ўтказилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларидан бир гуруҳи, ҳуқуқшунослар, ўқитувчилар, ўқувчилар иштирок этишди.

• **РЕСПУБЛИКА** Ёш томошбинлар театрида атоқли санъаткор Латиф Файзиев хотирасига бағишланган мусаввир Обид Файзиев томонидан яратилган асарлар кўргазмаси санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилди.

• **КЕЧА** Фуқаролик жамиятини ўргатиш институтида уюштирилган давра суҳбати «Сийёсий партиялар ва интернет» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг
Ахборот хизмати ва
Ўз мухбирларимиз
хабарларидан).

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИГА

Қадрли дўстлар!

Сизларни қутлуг сана — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ташкил этилганининг 15 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ўтган йиллар мобайнида сифат жиҳатидан мутлақо янги, жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган Миллий авиакомпаниямизни шакллантириш борасида кенг қўламли, улкан аҳамиятга молик ишлар амалга оширилди. Бу ҳақли равишда юртдошларимиз қалбидида фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади.

Ўзбекистон фуқаро авиакомпаниясини ривожлантириш бўйича пухта ўйланган узоқ муддатли стратегиянинг жорий этилиши, авиакомпания жамоасининг фидокорона меҳнати ва юксак профессионал маҳорати тўғрисида сизларнинг қорхонангиз мамлакатимиз ва халқаро миқёсда ҳаво орқали йўловчилар ва юк ташиш ҳамда авиация хизмати кўрсатиш тизимида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

Соҳани тубдан ислоҳ қилиш, унинг ташкилий тузилмаси, бошқарув тизими ва менежмент ишларини такомиллаштириш, уларни замон талаблари даражасига кўтариш, самолёт паркинги замонавий ҳаво кемалари билан тўлдирish борасида катта ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Навиация тизими такомиллаштирилди, авиация хавфсизлигининг самарали тизими жорий этилди, авиакомпания учун малакали кадрлар тайёрлаш бўйича зарур база яратилди.

Бугунги кунда республикамиздаги деярли барча аэропортлар модернизация қилинди ва улар йўловчиларга жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатмоқда. Бунинг натижасида уларнинг бештаси «Халқаро аэропорт-мақомига сазовор бўлди. Авиакомпания қоида энг замонавий авиация техникаларига техника хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлаш бўйича Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган мар-

каз ташкил этилди ва у самарали фаолият кўрсатмоқда.

Шуни ғурур билан таъкидлаш лозимки, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» рамзи туширилган авиалайнерлар бугун дунёнинг йигирмадан ортиқ давлатига — Ер қуррасининг деярли барча минтақаларига парвоз қилмоқда. Биргина 2006 йилнинг ўзида авиакомпания томонидан 1 миллион 700 минг нафар йўловчи ва 20 минг тоннадан ортиқ юк ташилгани ҳам унинг муваффақиятларидан далолат беради.

Мухтарам дўстлар!

Ўртимизда ҳаво флотиди ходими деган қийин ва мардонавор касб эгалари гоёта юксак ҳурмат-эҳтиромга сазовордир. Сизларнинг ҳар бирингиз — учувчи ва штурманлар, муҳандис ва техниклар, борт кузатувчилари, ер усти хизмати диспетчерлари ва мутахассисларининг парвозлар хавфсизлигини таъминлаш, йўловчилар учун қулай шароитлар яратиш борасидаги фидокорона меҳнатингизни барчамиз юксак қадраймиз.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясининг халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва мустақамлаш, мамлакатимиз нуфузи ва қудратини ошириш йўлида қўшаётган салмоқли ҳиссаси ҳам алоҳида эътибор ва таҳсинга лойиқдир.

Фурсатдан фойдаланиб, Миллий авиакомпаниясининг кўпмиллатли аҳил жамоасига ўз олдида қўйган эзгу мақсадларини рўёбга чиқаришда янгида-яңи муваффақиятлар тилайман. Сизларнинг барчангизга машаққатли ва олижаноб меҳнатингиз учун самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Мусаффо осмон, мустақам соғлиқ, бахт ва омад доимий ҳамроҳингиз бўлсин, азизларим!

Ислам КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

**«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ
АВИАКОМПАНИЯСИНING
15 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГРУҲ
ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги катта хизматлари, миллий авиациямизни замонавий талаблар асосида ривожлантиришга қўшган самарали ҳиссаси ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:

**«Ўзбекистон Республикаси-
да хизмат кўрсатган фуқаро
авиацияси ходими»**

Палванов Эгамберген Машарипович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Бош директорининг биринчи ўринбосари

Расулов Мумин Заирович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Учувчилар мажмуасининг «Боинг» учувчилар отряди командири ўринбосари

Хаво транспорти соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, замонавий авиацияни ривожлантириш ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишда эришган ютуқлари, турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиқматлик ва тотувлиқни мустақамлаш ҳамда малакали мутахассислар тайёрлаш ишига қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Меҳнат шукрати» ордени билан

Вахабов Мирзаанвар — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг Ердаги иншоотлардан фойдаланиш ва аэропортларни бошқариш департаменти директори

Ибрагимов Закирхан Фазылханович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг «Тошкент халқаро аэропорти» давлат унитар қорхонаси директори

Салимов Сергей Мартиевич — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг «Uzbekistan airways technics» авиакорхонаси Фарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш марказининг цех бошлиғи

Худойкулов Шакир Ражаболиевич — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Учувчилар мажмуаси 3-учувчилар отряди командири

«Дўстлик» ордени билан
Вялков Александр Сергеевич — «Ўзбе-

Тошкент шаҳри,
2007 йил 29 январь

**XXI АСР
САДОСИ**
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган давра суҳбати бўлиб ўтди. У «Автомобиль йўллари тўғрисидаги Қонун ҳужжатлари — Ўзбекистон Республикасининг халқаро транспорт тизими билан янада интеграциялашуви ва мамлакат иқтисодиёти барқарор ривожланишининг асоси» мавзусига бағишланди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси «Давлатлараро муносабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар» факультетининг тингловчилари учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий банкида амалий семинар ташкил этилди.

• Зарбдор туман машина-трактор парки акциядорлик жамияти жамоаси 56 ҳайдов трактори, 74 плуг, 125 та сепалка ва таъмирталаб бўлиб қолган бошқа қишлоқ хўжалик техника воситаларини тўлиқ сошлаб қўйди. Ҳозирда Жиззах вилоятининг бошқа туманларида ҳам қишлоқ хўжалик техникасини мавсумга тайёрлаш ишлари ўтган йилгидан анча барвақт якунланмоқда.

• Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманида Маиший хизмат касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди. «Деновқурилиш» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари жамоаси саъй-ҳаракатлари билан қад ростирилган 540 ўқувчиға мўлжалланган ўқув маскани ўқув корпуси, спорт зали, устахоналар ва бошқа ёрдамчи қурилмалардан иборат.

• Қашқадарё вилоятининг Косон туманида нефть-газ саноати учун мутахассис-кадрлар тайёрлашга ихтисослашган янги касб-ҳунар коллежининг пойдевори қўйилди. «Вилжамхўжжурилиш» АЖга қарашли 231-хўжаликлараро механизациялашган кўча жамланма бош пудратчилигида қад ростилаётган мазкур коллежининг тендер қиймати 2 миллиард 644 миллион сўм бўлиб, у «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси маблағ ҳисобидан қурилмоқда.

• Ўзбекистон енгил, мебель саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши бошланғич касаба уюшма ташкилот раислари учун услубий қўлланма нашр этди.

• «Ўзгеобургунефтгаз» акциядорлик компанияси ҳомилийида «Геолог» санаторийси фуқаролар соғлигини тиклайдиган ва мазмунли дам оладиган кўркам масканга айланди. Бу ерда ободонлаштириш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига 2,5 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

ЖАҲОНДА

• Кеча Қирғизистон парламенти кўпчиликл овоз билан мамлакат Президенти Қурманбек Бакиев томонидан кўрсатилган номзод Азим Исабековни Бош вазирлик лавозимига тасдиқлади.

• Беларуссия Президенти Александр Лукашенко интервьюсида мамлакатнинг Россия ва Европа Иттифоқи билан ўзаро муносабатлари хусусида батафсил тўхталиб ўтди. Лукашенконинг сўзларига кўра у Россия ва Украина ўртасидаги Иттифоқни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайди ва бунда ҳар иккала давлат тенг ҳуқуқли бўлиши керак деб ҳисоблайди.

• Кеча Исроилнинг Эйлат курорт шаҳарчасида кейинги тўққиз ой ичида илк бор террорчилик ҳаракати содир этилди. Новвойхоналардан бирида террорчининг ўзини портлатиб юбориши натижасида уч киши ҳаётдан кўз юмди. Ушбу терактни «Ал-Акса мазлумлар бригадаси», «Ислам жиҳоди» ва «Муслимлар армияси» гуруҳлари ўз зиммасига олди. Ҳозирда Исроил хавфсизлик хизмати теракт билан боғлиқ текширув ва суриштирув ишларини олиб бормоқда.

• Саудия Арабистони раҳбари Абдулло Фаластиннинг ФАТҲ ва ХАМАС гуруҳи бошлиқларини Макка шаҳрига таклиф этмоқда. Мамлакат подшоҳи мусулмонларнинг муқаддас шаҳрида бу икки гуруҳнинг музокарага келишига ишонмоқда. Шундай бўлса-да, кеча ҳар иккала гуруҳ ўртасидаги қуроли тўқнашулар давомидида тўрт киши ҳаётдан кўз юмди. Фаластин мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббос ҳам гуруҳларни келишувга чакирмоқда.

• Ироқнинг Бағдод ва Рамади шаҳрида муҳим кўпуровчилик содир этилди. Бағдоддаги бошланғич мактаблардан бирида ҳовлига та-наффус вақтида миномёт ҳужуми уюштирилиши оқибатида беш нафар ўқувчи ҳалок бўлган ва 20 нафари тан жароҳати олган. Шундай воқеа Рамади шаҳрининг асосан суннийлар истикомат қилувчи Адл туманидаги мактабда ҳам юз берган.

• Россияда бўри оловчилар учун мукофот таъсис этилди. Гап шундаки, бўрилар Амур области ҳудудидаги чорвачиликка катта зиён етказмоқда. Бу ерда йилга 600 бошдан ортиқ шимол бугулар ийртқи-чларга ем бўлаётди.

• Айни пайтда дунёда энг кеска киши ҳисобланмиш Пуэрто-риколик Эмилиано Меркадо дел Торо ўтган ҳафта вафот этди, деб хабар беради «Ассошиэтед пресс» ахборот агентлиги. Қариндошлари берган маълумотларга кўра у ўз уйида 115 ёшида ҳаётдан кўз юмган.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 31 январь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан се-кундиға 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-7, кундузи 18-20 даража иссиқ бўлади.

“ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ”
МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ЎЗНИНГ
ЎН БЕШ ЙИЛЛИГИНИ
НИШОНЛАМОҚДА. МАЗКУР КОМПАНИЯ
ҚИСКА ВАҚТ ИЧИДА ҚИТАЙНИНГ
ИШОНЧИ ВА ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИБ
БОРАЁТДАН АВИАКОМПАНИЯЛАРИ
КАТОРИДАН ЖОЙ ОЛДИ ҲАМДА
ХАЛҚАРО АВИАТАШУВЛАР БОЗОРИДА
ЎЗНИНГ МУСТАҲҚАМ ЎРНИНИ
ЭГЛАЛАДИ. МИЛЛИЙ
АВИАКОМПАНИЯМИЗ МУСТАҚИЛЛИК
ЙИЛЛАРИДА ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ
КАРИМОВНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА
ҚўЛЛАБ-ҚўВВЛАШНИ ТУФАЙЛИ
СОҲАДА ИСЛОХОТЛАРНИ ИЗЧИЛ
АМАЛГА ОШИРИБ, ФАОЛИЯТИНИ
СИФАТ ЖИХАТИДАН ЯНГИ БОСҚИЧГА
КўТАРДИ.

Мамлакатимиз истиқлолга эришган, жаҳон андозаларига мос замонавий моддий-техник база ва юқори малакали кадрларга эга қудратли фуқаро авиациясини ташкил этишга муваффақ бўлди.

Тошкентда ушбу сана муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда компаниянинг ўтган йилларда қўлга киритган ютуқлари, уни ривожлантиришнинг янги истиқболлари ҳақида сўз юритилди. Унда авиакомпания, вазириликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси жамоасига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Бош

вазири Ш.Мирзиёев ўқиб эшиттирди.

Ўтган йиллар давомида ҳаво кемалари парки модернизация қилинди, Фарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш бўйича янги мажмуа ташкил этилди, аэропортлар реконструкция қилинди. Ўзбекистон ҳудудида навигация тизими тақомиллаштирилди. Бу тизим парвозларни бошқаришнинг МДХдаги энг яхши тизими сифатида тан олинган. Ўзимизда юқори малакали кадрлар тайёрлайдиган база шакллантирилди, авиация

ишончилигини таъминлаш борасида бир неча бор нуфузли муқофотларга сазовор бўлди. Бу фуқаро авиацияси соҳасида Ўзбекистон танлаган стратегия тўғрисидаги яққол тасдиқдир.

Самолётлар парки Боинг-767-300ЕР, Боинг-757-200, А-310, Ру-85 ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган Ил-114-100 замонавий ҳаво кемалари билан тўлдирилди. Янги лайнерлар авиакомпанияга юқори даражали сервис хизмати кўрсатиш ва пар-

кенг фойдаланмоқда.

Бундан ташқари, авиакомпания парвозлар хавфсизлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратмоқда. Бу иш билан барча хизматлар, жумладан, МДХда ягона замонавий “Ўзаэронавигация” маркази шуғулланмоқда.

Айни вақтда, Миллий авиакомпаниянинг бошқа бўлиmlарида ҳам техник ва таъмирлаш базасини яхшилаш, юқори малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси ташкил этилганининг 15 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги катта хизматлари, миллий авиациямизни замонавий талаблар асосида ривожлантиришга қўшган самарали ҳиссаси учун компаниянинг бир гуруҳ ходимлари юксак давлат муқофотлари ва фахрли унвонларга сазовор бўлди.

Тақдирланганларга ушбу муқофотлар тантанали равишда топширилди.

Муқофотланганлар номидан сўзга чиққан Миллий авиакомпаниянинг парвозлар хавфсизлиги бўйича инспекцияси бош штурмани Станислав Гурфинкель Президент Ислам Каримовга Ўзбекистон фуқаро авиациясини ривожлантириш, унинг ишлаб чиқариш салоҳиятини мустаҳкамлаш борасидаги доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун самимий миннатдорлик билдирди.

В.НИКОЛАЕВ,
ЎЗА мухбири

ОЛДИНДА ЯНГИ МАРРАЛАР, ЯНГИ УҒҚЛАР

хавфсизлигининг самарали тизими ишлаб чиқилди. Ушбу улкан вазифаларнинг амалга оширилиши Ўзбекистонга жаҳон авиатранспорт тизимига қўшилиш ва унинг тенг ҳуқуқли аъзо-си бўлиш имконини берди.

Бугун бортида Ўзбекистон байроғи акс этирилган самолётларимиз дунёнинг 40 дан ортиқ шаҳрига парвоз қилаётди, компаниянинг 24 мамлакатда 43 ваколатхонаси, ўнлаб ҳамкор компания ва фирмалари мажмуи. Улар билан 60 дан зиёд халқаро шартномалар имзоланган. Амалга оширилган изчил ислохотлар самараси ўларок, жаҳон фуқаро авиациясининг энг сўнгги янгиликларини ўзида муҳассам этган Ўзбекистон ҳаво транспорти тармоғи мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи соҳаларидан бирига айlandи.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” ўз фаолияти давомида парвозлар хавфсизлиги ва

возлар хавфсизлигини таъминлаш, авиаёқлиги сарфини анча қамайтириб, авиаташувларнинг асосий қисмини бажариш имконини берди.

“Uzbekistan Airways Technics” таъмирлаш авиакорхонаси ва унинг Фарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш маркази Миллий авиакомпаниянинг асосий тузилмаларидадир. У компаниянинг Ўзимизда ишлаб чиқарилган ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш эҳтиёжини ва бошқа авиакомпаниялар буюртмасини бажаришни тўлиқ таъминламоқда. Бугунги кунда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Фарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатишнинг мураккаб турлирини бажаришга қодир провайдер ҳисобланади ва бу хизматлардан бошқа минтақалардаги авиаташувчилар ҳам

«Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Сингапурга давлатташрифи республиканинг Осиё йўналишига юқори устуворлигини далолат беради, — дейди Россия сиёсий конъюктура марказининг ташқи сиёсат бўйича эксперти Евгений Войко. Шуниси диққатга сазоворки, айнан Сингапур томони мазкур учрашувнинг ташаббускори бўлди. Бу эса Ўзаро икки томонлама манфаатдан, яъни «Сингапур мўъжизасининг» ўзбек томони учун жозибадорлиги ҳамда Сингапурнинг Марказий Осиёдаги энг муҳим давлат билан мустаҳкам алоқалар ўрнатишга бўлган истагидан далолат беради.

Сингапур билан алоқаларни жадаллаштириш, шубҳасиз, ўзбек иқтисодиётининг кўпгина тармоқлари ривожланишига, ижобий таъсир қаратади. Энергетика соҳасидаги ҳамкорликдан ташқари Ўзбекистон Сингапур учун сайёҳлик нуктаи назаридан ҳам қизиқарли бўлиши мумкин. Ўзбекистон сайёҳлик инфратўлимасини сармоялаш республикада бутун дунёга машҳур тарихий меъморчилик ёдгорликлари мавжуд бўлгани боис сингапурлик тадбиркорлар учун жуда жозибадор бўлиши мумкин.

Гамбург университетининг (ГФР) Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари бўйича эксперти, профессор М.Пулнинг ҳисоблашича, айниқса Сингапурнинг халқаро савдо соҳасидаги етакчи ўрни ҳисобга олинган бўлса, бу мамлакат билан ҳамкорлигини самараси катта бўлади.

— Ўзбекистон ҳам Ўзининг томонидан минтақада муҳим геосиёсий ўрнига, табиий ресурсларининг катта захираси ҳамда иқтисодий ривожланиш борасидаги улкан салоҳиятига эга, — дейди эксперт. — Бундан ташқари, сиёсий барқарорлик ҳамда иқтисодий муҳим тармоқларининг изчил ривожланиши ўзбек иқтисодиётига жозибадорлигини фақат оширади. Бу Тошкентнинг Сингапур компанияларига тақлиф этадиган нарсаси бор, деган гапдир.

Профессорнинг фикрича, Сингапур яна шунинг учун ҳам Ўзбекистонга «тўғри шерик» ҳисобланадики, томонлар халқаро сиёсатнинг қатор долзарб муаммолари юзасидан яқин нуктаи назарларга эга. Бундан ташқари, Сингапур ҳам, Тошкент ҳам халқаро сиёсий ва иқтисодий масалаларда Ўзининг қатъий нуктаи назарига эга ҳамда улар ўзларининг сиёсий ва демократик тизимини ривожлантирмоқда, деб таъкидлади олим.

Брюссель университети профессори, Бельгия Археология академиясининг аъзоси Ж.Бланкоффнинг фикр билдиришича, халқаро сиёсий ва иқтисодий саҳнадаги ҳозирги вазият ҳисобга олинганда бўлса, Ўзбекистон раҳбарининг Сингапурга таърифи алоҳида муҳим аҳамиятга эгадир.

— Ўзбекистоннинг ўз иқтисодиётига бир миллиард доллардан зиёд миқдордаги Сингапур сармояларини жалб этишга бўлган иштилоқи мамлакатнинг ҳамкорлик истиқболига ишончидан ҳамда сингапурлик бизнесменлар учун аниқ-равшан тақлифлари мавжуд эканлигидан далолат беради, — деди олим.

«Жаҳон» АА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА ОЛИЙ СУД РАЁСАТИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНИ ОЛИЙ СУД РАИСИ Б.МУСТАФОВ БОШҚАРДИ. РАЁСАТ ЙИГИЛИШИДА УМУМИЙ ЮРИСДИКЦИЯ СУДЛАРИНИНГ 2006 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ ВА 2007 ЙИЛДА СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОХОТЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ.

Раёсат йиғилишида таъкидландики, 2006 йилда умумий юрисдикция судлари томонидан мамлакатимизда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, ўтган йилда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 420 мингдан ортиқ иш қўриб чиқилиб, уларнинг 96 фоизга яқини бўйича даъво талаблари қаноатлантирилиб, фуқаролар ҳамда ташкилотларнинг бузилган ҳақ-ҳуқуқлари тикланган ва уларнинг фойдасига 26,2 миллиард сўм моддий, 3,6 миллиард сўм маънавий зарар, шунингдек республика бюджетига 455,3 миллион сўм давлат божи ўндирилган. Шу жумладан, тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаш юзасидан 300 дан ортиқ даъво қаноатлантирилиб, 40,3 миллион сўм моддий ва 24,8 миллион сўм маънавий зарар ўндирилган.

Бу эса ўтмишда судни “жазоловичи орган” деб билган халқимизнинг ҳуқуқий билими, судларга нисбатан ишончи ортаётганининг ёрқин далилидир.

Раёсат йиғилишида қайд этилдики, ушбу давр мобайнида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, жиноят ишларини қўриб чиқиш муддатлари ва сифати яхшилланган. 2000 йилда умумий судланганларнинг 47,2 фоизига озоликлдан маҳрум қилиш ҳазоси тайинланган бўлса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан суд-ҳуқуқ тизимидаги илғи борилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири — “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун қабул қилинган, 2006 йилда бу қўрсаткич атиги 28,7 фоизни ташкил этган. Бошқача айтганда, 71,3 фоиз судланганларга нисбатан озоликлдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланиб, улар оиласи, жамоаси бағрида қолган. Содир этилган иқтисодий жиноятлар оқибатида етказилган зарарининг 33 миллиард сўмдан ортигини ихтиёрий равишда қоплаган тўққиз миң нафарга яқин шахсга нисбатан озоликлдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган.

Жиноят қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалардан яна бир муҳими — ярашув институтининг қабул этилиши натижасида 2006 йилда 12,605 нафар шахсга нисбатан 11,503 та жиноят иши тугатилган бўлса, бу институт амалиётига жорий қилингандан бугунги кунга қадар 54 мингдан ортиқ шахс жиноий жавобгарликдан озод этилиб, “судланган” деган номни кўтариб юришдан халос бўлган.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масаласи ҳам судлар фаолиятида алоҳида ўрин тутган бўлиб, бу борада давлатий матбуот ва оммавий ахборот воситаларида 3 мингдан ортиқ чiqиш қилинган.

Шунингдек, йиғилишда одил судловни амалга оширишда, адолатни қарор топиришда хато-камчиликларга йўл қўйганлиги учун 61 нафар судьяга нисбатан тегишли интизомий таъсир чоралари қўлланилганлиги, 2 нафар судьянинг судьялик ваколати муддатидан илгари тугатилганлиги, 2 нафар судья эса жиноий жавобгарликка тортилганлиги қайд этилиб, бу борада тарбиявий ишлар етарли даражада олиб борилмаганлиги ва кадрлар билан ишлаш тўғрисидаги таълимга иштироки сабабли айрим вилоят суди раҳбарлари таъкид танқид остига олинди. Келгусида барча судьялардан ўзларига юклатилган вазифасини ҳолис, қонуний ва адолатли ҳал этиш, судьялик этикасига қатъий риоя қилиш юзасидан аниқ талаблар қўйилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2005 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги ҳамда 2005 йил 8 августдаги “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги фармонлари ҳар бир судья зиммасига алоҳида масъулият юклати таъкидланди, бу борада судья кадрларни тайёрлаш ва ягона суд амалиётини шакллантириш механизмининг барпо этиш бўйича чора-тадбирлар белгилан олindi.

Раёсат мажлиси якунида судья ва суд ходимларининг масъулиятини янада ошириш, уларнинг касб маҳорати ва малакасини юксалтириш, суд қарорларининг барқарорлигини таъминлаш, ҳар бир ишни қонун талаби асосида ҳолис ва адолатли қўриб чиқиш суднинг обрў-эътиборини оширадиган, аҳолининг унга бўлган ишончини мустаҳкамлайдиган муҳим омил эканлиги алоҳида таъкидланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

Иқтисодиёт

АВТОМОБИЛНИНГИЗГА ОЙНА КЕРАКМИ?

ЎЗ ОЛДИГА АНИҚ МАҚСАД ҚўЙГАН ВА БОЗОРНИ ЕТАРЛИЧА ЎРГАНГАН ТАДБИРКОРНИНГ ИЗЛАНИШЛАРИ, АЛБАТТА САМАРА БЕРАДИ.

«Мирада» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари ҳам сифатли ва рақобатбардош маҳсулотларни аввало ички бозорга етказиб беришни мақсад қилган эдилар. Чиндан ҳам бугунги кунда уларнинг замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқараётган транспорт воситаларига мўлжалланган турли ҳажмдаги ойна маҳсулотларига буюртмалар ортиб бормоқда.

Корхонада асосан маҳаллий ҳамда Қирғизистондан келтирилган хом ашёдан турли безақдаги ойналар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Айниқса, автомобилларнинг олд ойналари бугунги кунда харидорларга манзур бўлмоқда.

— Фаолиятимизни янада ривожлантириш, маҳсулотларимиз турларини кўпайтириш мақсадида хорижий тадбиркорлар билан ҳамкорликни ҳам мустаҳкамлаб бораёмиз, — дейди корхона таъсисчиси Алишер Миржўраев. — Айниқса, Италия, Россия, Қирғизистон давлатлари билан музокаралар асосида ишлаяёмиз. Ишлаб чиқараётган ойна маҳсулотларимизни Қозғистон ҳамда Қирғизистон давлатларига ҳам буюртма асосида етказиб бераёмиз. Бунинг учун, албатта, нафақат ички, балки ташқи бозорни ўрганишга ҳам эътибор қаратаёмиз.

Айни кунларда тадбиркорлар Қирғизистондан келтирилган хом ашёдан фюзинг — манзарали ойна тайёрлаш устида ишламоқда. Ушбу юқори сифатли, турли қўриқ-нишдаги безакли ойналардан бунёдкорлик ишларида кенг фойдаланиш мумкин.

МУСТАҲҚАМ ВА БЕЖИРИМ

МУСТАҲҚАМ ВА БЕЖИРИМ МЕБЕЛЬ МАҲСУЛОТЛАРИ ФАҚАТГИНА ХОНАДОН ВА ИДОРАЛАР ФАЙЗИНИ ТАЪМИНЛАБГИНА ҚОЛМАЙ, МАКТАБ, ЛИЦЕЙ, ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МУАССАСАЛАРИНИ ЖИХОЗЛАШДА, ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШДА МУҲИМ РОЛЬ ЎЙНАЙДИ.

«Махсус-мебель» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмаси ҳам 2002 йилда пойтахтимиздаги «Мебель» акциядорлик жамияти цехларидан бирини хусусийлаштириш асосида ташкил топди. Ҳозирда ушбу кичик корхонада 28 нафар мебелсоз меҳнат қилиб, асосан чинор, қайрағоч дарахтларидан ҳамда Россия ва Болтиқбўйи давлатларидан келтирилган ламинатлардан буюртмалар асосида идора ва офис, хонадон ва ўқув юртлари учун турли хил мебеллар ишлаб чиқаришади.

— Ўтган қиска давр мобайнида хориж каталогларидан иқидий фойдаланган дизайнер-мебелсозларимиз 30 турдан зиёд маҳсулотларни ишлаб чиқаришга жорий этди, — дейди корхона раҳбари Қаюмжон Зоҳидов. — Ўтган йилда эса банкветлар ўтказиш учун мўлжалланган стол-стуллар, компьютер столлари, парта ва доскалар тайёрлашни йўлга қўйдик. Энг асосийси эса маҳсулот сифати ва кўринишига, харидор эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда нархига эътибор қаратаёмиз.

Корхона мутасаддилари жорий йилда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мебель турларини янгилаш, ишчи-хизматчилар меҳнат шaroитларини янада яхшилаб, ижтимоий ҳимояни кучайтиришга ҳаракат қилишмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА

ТАПАБЛАР ДАРАЖАСИДА

ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИОРЛАР, ҚўШМА КОРХОНАЛАРНИНГ ҲИССАСИ ҲАМ САЛМОҚЛИ. УЛАР ОРАСИДА «SMART» ХОРИЖИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ ЎЗНИНГ СИФАТЛИ ҲАМДА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН АЛОҲИДА ЎРИН ТУТАДИ.

Дунёга тўқимачилик соҳасида эришган ютуқлари билан машҳур бўлган туркияликларнинг мазкур корхонасида етакчи компанияларнинг замонавий, юксак самарали дастгоҳ ва ускуналар ҳамда маҳаллий малакали 300 нафар ишчи-хизматчилар меҳнати туфайли болажонларга сифатли ва импорт ўрнини босувчи кийимлар тикилади.

Ўтган 2006 йилда ташкил этилган мазкур корхонада ҳозирда жамоа ахли янги дунёга келган чақалолардан бошлаб, 2-3 ёшгача бўлган фарзандларимизга экологик тоза, ёрқин ранглардаги, чиройли расмли матолардан бежирим, чидамли кийим-кечаклар тайёрламоқда.

Айниқса, юртимиз иқлимига мос, об-ҳаво инхиликларини ҳисобга олинган либослар сифати ҳамда хориждан келтирилганларидан баҳоси нисбатан арзонлиги билан ажралиб туради.

Бугунги кунга келиб, корхона маҳсулотларининг харидорлигини боис буюртмачилар сафи кенгайиб бормоқда. Асосий қисми хорижа экспорт қилинаётган замонавий дизайнини, аппликация, ранг-баранг комбинациялар, ранглар тиниқлиги, пишиқ-пухта тикилиши кундалик ҳамда кўчалikka бирдек чидамли, кўркамлигини узок вақт йўқотмайдиган кийим-кечакларга республикамиз аҳолиси ҳам қизиқиш билдирмоқда.

УЙИМИЗ КЎРКИГА АЙПАНАДИ

ХУНАРЛИНИНГ ҚўЛИ ГҮЛ ДЕБ, ХАЛҚИМИЗ БЕЖИЗ АЙТМАЙДИ. БОИСИ, ҚўЛ МЕҲНАТИ БИЛАН БУНЁД ЭТИЛГАН КўЗЛАРНИ ҚУВОНТУРУВЧИ, ИНСОННИ ГўЗАЛЛИККА ОШУФТА ЭТУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР ҲАМДА УЛАРНИ ЯРАТГАН УСТА ХУНАРМАНДЛАР ҚАДИМДАН ХАЛҚИМИЗ ТОМОНИДАН ҚАДРЛАНИБ, ЎЪЗОЗЛАНИБ КЕЛИНГАН.

Собир Раҳимов туманида мана салкам 10 йилдан буён фаолият юритаётган хунарманд уста Бахтиёр Турдиев ҳам шундай эътирофга сазовор инсонлардан ҳисобланади. Устанинг машаққатли, аммо завокли меҳнати, иқидий изланиши туфайли тайёрланаётган мебель маҳсулотлари ўзининг бежирим кўриниши, пишиқ-пухталиги, замонавийлик билан аънаъанавийлик ўзаро уйғунлашиб, ажиб жозиба бахш этиб турши билан ажралиб туради.

Шунингдек, мебеллардаги заргарона нақшлар ниҳоятда нафис ишланганлиги ва маҳсулотга бетакорлик берувчи дизайнининг моҳирона танланиши боис ҳар қандай даражасига етказиб, қалб қўрини қўшиб ишлаган хон-тахта, стол, стул ҳамда мебель термалари жилосидан кўз қамашади.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Футбол

«ПАХТАКОР»НИНГ ҒАЛАБАСИ ҚУВОНТИРДИ

АВВАЛ ХАБАР БЕРГАНИМИЗДЕК, ШАҲРИМИЗНИНГ «ПАХТАКОР» ЖАМОАСИ МОСКВАДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА БОЛТИҚБЎЙИ ВА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСЛИГИ МАМЛАКАТЛАРИ ЧЕМПИОНЛАРИ ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН МДХ КУБОГИ ХАЛҚАРО ТУРНИРИДА БОШ СУВРИНИНГ ҚўЛГА КИРИТИБ, БАРЧА ИШҚИБОЗЛАРИМИЗНИНГ КўНГИЛЛАРИНИ ХУШНУД ҚИЛГАН ЭДИ.

Узоқ орязиб кутилган лаҳзалар келди — кеча кўп миң соғли мухлислар, мутахассислар журналистлар томонидан «Пахтакор» жамоаси Тошкент халқаро аэропортида тантанали равишда қутиб олindi. Барча севимли футболчилар ва жамоа мураббийларини қутлар, дилларидagi энг эзгу тилакларни изҳор этарди.

— Бу йил турнирда яхши ўйин кўрсатиб, голиблар сафидан ўрин олишга астойдил бел боғлагандик, — дейди биз билан суҳбатда жамоа бош мураббийси Равшан Хайдаров. — Шу сабабдан аввалги йил хатоларидан тегишли хулосалар чиқарган ҳолда бу гал ҳам жисмоний, ҳам руҳий тайёргарликка катта эътибор қаратдик. Айтиш кераки, жамоамизнинг барча ўйинчилари турнирда муносиб ўйин кўрсатиб, ғалабани таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшишди, мураккаб дақиқаларда эсанкираб қолишмади. Энг асосийси, МДХ чемпионлар Кубоги командаси учун янги мавсум олдидан ўзига ҳок маҳорат ва тайёргарлик мактаби вазифасини ўтади. Уйлаймизки, ушбу ғалабадан руҳланган ҳолда жамоамиз Осиё чемпионлар лигасида ҳам голиб чиқиш йўлида бор куч-маҳоратини ишга солади.

— МДХ чемпионлари турниридаги ғалаба

жамоамиз 2007 йилги мавсумга яхши тайёргарлик кўрганлигини кўрсатди, — дейди «Пахтакор» сардори Сервер Жепаров. — Албатта, қўли жамоалар турнирида голиб чиқиш биз учун осон кечмади. Бирок олдинда хали муҳим довонлар турибди. Хусусан, Осиё чемпионлар лигаси турнирида ғалаба қозониш, мамлакат чемпионлигини қўлга киритиш ўз олдимизга бош мақсад қилиб қўйганмиз. Уйлаймизки, яқдиллик билан астойдил ҳаракат қилсак, хайрли ниятларимизга эришамиз.

— Ниҳоят севимли жамоамиз имкониятлари даражасида дайнаб, халқаро миқёсдаги нуфузли турнирда мухлислари ишончини оқлади, — дейди «Пахтакор»нинг 40 йиллик мухлиси Худойназар Шоназаров. — Янги мавсум олдидан бу салмоқли ғалаба барча ишқибозларнинг кўнглиларини кўтариб юборди. Биз футболчиларимиздан 2007 йилги мавсумдаги бошқа муҳим турнирларда ҳам мана шундай чиройли ва умид-



бахш ўйин кўрсатинг, дея тилаб қоламиз.

Дилшод ИСРОИЛОВ,
Хидирали ПАНЖИЕВ
СУРАТДА: «Пахтакор» жамоасини мухлислар мана шундай илқ қутиб олишди.

Ҳажимжон Солихов олган сурат

Тиббиёт масканларида

ЭЛ СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗДАН СЎНГ БАРЧА СОҲАЛАР ҚАТОРИ МАМЛАКАТИМИЗДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА ТУБ ИСЛОХОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ХУСУСАН, АҲОЛИ, АЙНИҚСА ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ, ЁШ АВЛОДНИ ЖИСМОНАН БАҚУВВАТ, МАЪНАН ЕТУҚ ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШ, УШБУ СОҲАДА МУНОСИБ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАНАЁТГАНЛИГИ, ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИДА КАПИТАЛ ВА ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛИБ, ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ АСБОБЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАНАЁТГАНЛИГИ, ЭНГ МУҲИМИ БУ ЭЗГУ ИШЛАРНИНГ БАРЧАСИ ЭЛ САЛОМАТЛИГИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, БЕМОРЛАР ДАРДИНИ ЕНГИЛЛАТИШ, ТУРЛИ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА, ЖАМИЯТИМИЗДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ҚАРОР ТОПТИРИШГА, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МУАССАСАЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАНЛИГИ ҚУВОНАРЛИДИР.

Айниқса кун кеча Президентимизнинг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ишларининг боришини ўрганиш ва бу борадаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш масалалари бўйича ишчи гуруҳини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонининг эълон қилиниши ҳам соғлиқни сақлаш тизимига эътибор янада кучайганлигидан далolatдир.

Халқимизда «Эл соғлиғи — юрт бойлиғи»

деган нақл бежиз айтилмайди. Шу боис мамлакатимиздаги мавжуд тиббиёт масканларини қузатган киши юқорида айтилган фикрларнинг ёрқин гувоҳи бўлиши табиий. Шаҳримизнинг Мирзо Улугбек туманида жойлашган ТТЗ тиббиёт санитария қисми ҳам тумандаги энг йирик шифохоналардан ҳисобланади. 1993 йилдан буён фаолият олиб бораётган мазкур шифохона шаҳар ва туман ҳамда Қибрай тумани аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

— Шифохонамиз 250 ўринга мўлжалланган бўлиб, ҳар йили бу масканда 6 мингга яқин бемор даволанади, 3 мингга яқин бемор эса кундузги амбулатория шароитида шифо олади, — дейди биз билан суҳбатда ТТЗ тиббиёт санитария қисми бош шифокори Абдумурод Бобоносов. — Шифохонада жароҳ, даволаш, кардиология, гематология, неврология, психосоматика, болалар учун урология бўлимлари, шунингдек,


пуллик хизмат кўрсатувчи бўлим мавжуд. Шуни айтиш керакки, клиникада Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг иккита кафедраси фаолият кўрсатиб, Ширин Дадаев, Латиф Нажмиддинов, Жуманазар Бекназаров сингари тажрибали профессорлар, Лариса Кадомцева, Усмон Шодмонов каби тиббиёт фанлари номзодлари аҳоли саломатлигини муҳофаз қилишда муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Шифохонамизда яна икки нафар шифокорларимиз докторлик, бир киши эса номзодлик диссертацияларини ёклаш арафасида.

Шуниси қувонарлики, 2005 йилда Япония ҳукумати томонидан шифохонага 90 минг доллар миқдорда грант ажратилиб, Япониянинг энг замонавий диагностика ускуналари олинди. Булар — эндоскопия, ультратовуш текширувлар, автоматик биокимевий анализатор, электрокардиограф ва кардиомонитор аппаратларидир. Ушбу аппаратлар беморларга тўғри ташхис қилиш, уларнинг касалликларини самарали даволашда ёрдам бермоқда. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик жамияти шифохонага 116 миллион сўм, ҳомийлар томонидан эса 20 миллион сўм маблағ ажратилиб, бу маблағ



ҳисобига шифохона капитал таъмирланди ҳамда тиббий жиҳозлар, юмшоқ мебеллар билан таъминланди. Бугунги кунда шифохонада беморлар саломатлигини тиклашда барча шарт-шароитлар мавжуд десак, адашмаймиз. Қаердаки, тартиб, интизом ва шарт-шароит етарли бўлса ўша ерда иш унуми ва сифати юқори бўлади. Биз мазкур шифохона ҳаёти билан танишиб, бу ердаги тартиб-интизом, озодалик, саранжом-саришталик, беморларга кўрсатилаётган тиббий хизматнинг самарали ва сифатли эканлигига гувоҳ бўлдик. Энг муҳими, халқ саломатлигини сақлашдек масъулиятли ва шарафли касбини улуғлаб, ўз ишларига сиқидилдан ёндошган бу масканнинг қўли енгил шифокору ҳамширалари хизматидан аҳоли миннатдор. Уларнинг бир оғиз ширин сўзлари, ғамхўрликлари дард билан олишиб ётган бемор учун ҳар қандай доридан ҳам афзал. Биз халқ саломатлигини асрашда қамарбаста бўлаётган шифо масканининг тиббиёт ходимларига қарата «Қўлингиз дард кўрмасин, хамиша эл дуосидан баҳраманд бўлиб юринг» деб ният қиламиз.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: ТТЗ тиббиёт санитария қисми ҳаётидан лавҳалар.
Наталья Семёнова олган суратлар



ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАР ЎРНАТИЛГАНГА 15 ЙИЛ БЎЛДИ

ТОШКЕНТДАГИ ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЎЗБЕК — ЯПОН МАРКАЗИДА ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ЯПОНИЯ ЎРТАСИДА ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ЎРНАТИЛГАНЛИГИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН МАТВУОТ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ.

— Япония Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган давлатдир. Мамлакатларимиз ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йил 26 январь кунини ўрнатилган. Япониянинг Тошкентдаги элчихонаси 1993 йил январда, Ўзбекистоннинг Токиодаги элчихонаси эса 1996 йилда очилган эди, — деди Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муқтор элчиси Юичиро Кусумото. — Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Японияда икки марта — 1994 йил ва 2002 йилда давлат ташрифи билан бўлди. Шу билан бирга икки давлат ташқи сиёсий маҳкамалари раҳбарларининг ташрифлари ҳам мунтазам амалга оширилди.

Кўп томонлама алоқаларни кенгайтириш учун 2003 йилда Ўзбекистонда Япония билан ҳамкорлик кўмитаси, 2004 йилнинг майида эса Японияда шундай ижтимоий-сиёсий тузилма ташкил этилди.

1994 йилда савдо-иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлаш мақсадида иқтисодий ҳамкорлик бўйича ўзбек-япон ва япон-ўзбек кўмиталари тузилди. 1999-2001 йилларда Тошкентда Япония ҳалқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ва Япония ташқи савдо ташкилоти (JETRO)нинг минтақавий ваколатхоналари, шунингдек, Ўзбекистондаги лойиҳаларга техникавий ёрдам кўрсатадиган, икки мамлакат ишбилармонлари ўртасида алоқаларни йўлга қўйишга қўмаклашувчи ўзбек-япон маркази очилди.

Юичиро Кусумотонинг таъкидлашича, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд. 15 йил мобайнида изчил давом этган тенг ҳуқуқли, конструктив ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг кенг қўламини ва сермахсул бўлгани қувонарлидир, — деди элчи. — Айни пайтда яна бир дастурий амалга оширишга киришилди. Маълумки, Тошкент ва Жиззах вилоятларида бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш бўйича лойиҳани амалга ошириш доирасида ноталар алмашинди. Бундан грант маблағлари бир қатор кишлоқ врачлик пунктларини замонавий жиҳозлашга йўналтирилди.

— Ўзбекистон раҳбарининг ҳар бир йилни маълум бир йўналишда номлаш ташаббуси алоҳида эътиборга молик. — Биз хамиша мазкур ташаббусларни қузатиб борамиз, — деди Кусумото. — Мамлакатларимизни глобал миқёсдаги қўллаб-қувватлашда муштарак позициялар, умумий манфаатлар бирлаштириб турибди, — деди элчи. Жумладан, «Стратегик шериклик тўғрисида»ги қўшма декларация 2002 йилнинг июлида Ўзбекистон Президентининг қўлидан мамлакатга расмий ташрифи чоғида имзоланган эди. Бу икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш имконини берди.

Элчининг сўзларига қараганда Япония Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги муҳим давлат сифатида қўлади. Бу Япония собиқ бош вазир Дзюньичиро Коидзумининг ўтган йили Тошкентга расмий ташрифи чоғида ўтказилган олий даражадаги учрашувларда ҳам таъкидланган эди.

Республика иқтисодиётининг турли соҳаларига қиратилаётган маблағлар қўламини ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди. Ўтган даврда Республикага ажратилган маблағларнинг умумий миқдори икки миллиард АҚШ доллардан ортиди.

Ўзбекистонда Япониянинг 24 та компанияси ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. 7 та қўшма корхона ва 100 фоизли япон капиталли ишторикдаги 4 та корхона рўйхатга олинган.

Бундай қизиқш билан биринчи галда Ўзбекистоннинг қўлай геосиёсий жойлашуви билан изоҳланади. Шу билан бирга Ўзбекистонда инвестиция, савдо ва инновация соҳаларидаги қўлай муҳит ҳам мазкур қизиқишни ортиради. «Туркистон-пресс» муҳбирининг икки мамлакат ҳамкорлиги истиқболларига оид берган саволига жавобан Кусумото ишбилармон доираларнинг ўзаро муносабатларини, туризм соҳасини мустаҳкамлаш, шунингдек, Ўзбекистон ва Япония олий ўқув юрлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш лозимлигини қайд этди.

— Мен келгусида икки томонлама муносабатларни мустаҳкамроқ ва кенгроқ амалга ошириш йўлида катта қўламадаги қўшма сай-ҳаракатларни кўряман, — деб таъкидлади элчи.

Ўз навбатида JICA ва JETRO вакиллари ҳам Ўзбекистон билан Япония муносабатлари аҳамиятини қайд этган ҳолда ўз муассасалари фаолияти ҳақида сўзлаб беришди.

«Туркистон-пресс»

ҚОИДАБУЗАР ЖАРИМАГА ТОРТИЛДИ

Борар жойимизга шошибди турганимиз учун Амир Темур хиёбонидан шахсий «Нексия» машинасига ўтирдик. Машина юриши билан ўрта ёшли ҳайдовчи чўнтак телефонини қўлига олди. Рақамларни териб кимгадир кўнгироқ қилди. У томондан жавоб бўлгач, кейин сўзлай кетди.

— Кеча яхши етиб бордингми? Тоза олибмизда, ўзим. Шу аҳволда машина ҳайдаб кетибман. Қандай уйга етиб келганимни билмайман. Ҳозир ҳам бошим ғум. Иккита клиентим бор. Уларни Юнусободга ташлаб олдингиз ўтаман, Бирор жойда юз-юз қилмасак бўлмайди.

Қани энди гап тугаса: «Биз эса боши ғум ҳайдовчининг машинасига ўтирганимиздан хавотирдамиз. Ҳайдовчи қўлида телефонни тутган ҳолда машинанинг тезлигини тобора ошириб борарди. Хайрият, алоқа узилди. Ҳайдовчи ҳали телефонини чўнтагига солиб улгурмай, ундан галати мусика овози эшитилди. Табиийки, яна ўзаро алоқа бошланди.

— Барно, яхшимисан? Жоним, бугун боролмайман. Маза йўқ.

Энди сўзлашув бошланган эди «Шахристон» бека-тида турган йўл назоратчиси олдинга чиқди. Машинамизга тўхташ ишорасини қилди. Ҳайдовчи дарҳол телефонини яширишга тушди. Бироқ бунга ҳожат йўқ эди. Сабаби, ҳамма нарса йўл назоратчисининг эътиборида эди.

Ҳайдовчининг турли баҳоналарни қилди. Ҳатто бизни кўрсатиб: «Мана ишонмасангиз кабинада ўтирган ота-хондан сўранг, телефондан фойдаланганим йўқ. Қўлимда тутганим бошқа нарса эди» деган жавобини қилди. Аммо йўл назоратчиси сўзида маҳкам турди.

— Телефонда гаплашиб келаётганингизни ўзим кўриб турибман. Нима қиламан, отахонини безовта қилиб, сўроқлаб.

Ҳайдовчи ялинишга ўтди. Кейин олишди-талашди бўлмади. Кимнингдир номини айтиб у билан алоқа боғламоқчи бўлди. Барибир йўл назоратчисини юмшата олмади. Ҳозир унга ақалонлари ҳам ёрдам бера олмасди. Хуллас қонунбузарлигининг натижаси жарима билан тугади. Бу орада биз ҳам машинани тарк этдик. Ким болсин, балки, энди ўша ҳайдовчи қонун барчага баробар эканлигини англаб етгандир.

Йўл назоратчилари бу гапингизга қўнишармикан? Қўнишди, кўнмаса ақалонларимизга айтиб қўндирамиз.

Ҳайдовчининг дадил гапидан чиндан ҳам бу одамнинг орқасида керакли ишонган тоғлари бор эканда, деган ҳаёлга бордик. Шу топда яна мусика чалинди. Ҳайдовчи шошилиб, телефонни қўлига олди.

— Алло, сенмисан Холис...

Энди сўзлашув бошланган эди «Шахристон» бека-тида турган йўл назоратчиси олдинга чиқди. Машинамизга тўхташ ишорасини қилди. Ҳайдовчи дарҳол телефонини яширишга тушди. Бироқ бунга ҳожат йўқ эди. Сабаби, ҳамма нарса йўл назоратчисининг эътиборида эди.

Ҳайдовчининг турли баҳоналарни қилди. Ҳатто бизни кўрсатиб: «Мана ишонмасангиз кабинада ўтирган ота-хондан сўранг, телефондан фойдаланганим йўқ. Қўлимда тутганим бошқа нарса эди» деган жавобини қилди. Аммо йўл назоратчиси сўзида маҳкам турди.

— Телефонда гаплашиб келаётганингизни ўзим кўриб турибман. Нима қиламан, отахонини безовта қилиб, сўроқлаб.

Ҳайдовчи ялинишга ўтди. Кейин олишди-талашди бўлмади. Кимнингдир номини айтиб у билан алоқа боғламоқчи бўлди. Барибир йўл назоратчисини юмшата олмади. Ҳозир унга ақалонлари ҳам ёрдам бера олмасди. Хуллас қонунбузарлигининг натижаси жарима билан тугади. Бу орада биз ҳам машинани тарк этдик. Ким болсин, балки, энди ўша ҳайдовчи қонун барчага баробар эканлигини англаб етгандир.

БИР КУННИНГ ҚАДРИ

Баъзан эринчоқлигимиз туфайли шу бугун бажариладиган ишни эртага қолдириб кечиктирамиз. «Ке, бир кун кейин битса ҳеч нарса қилмас» деб ўзимизнинг билганимиздан қолмаймиз. Лекин қўлингиз мана шу камҳафсаласизлигимиз оқибатидан ўзимиз азият чекамиз. Битадиган ишимиз битмай қолади. Баъзан мана шу кечикчи туфайли ёстиққа миҳлиниб қолган кадрдонларимизнинг дийдорини қўролмай қолган ҳол-

ларимиз ҳам бўлади.

«Табиб табиб эмас, бошидан ўтган табиб» дейдилар. Яқинда шундай ҳол ўзимиз билан содир бўлди. Кадрдонларимиздан бири касалхонада ётганини эшитиб, уни бориб-қўриб келишга жазм этдик. Шу ҳақда ҳамкасб дўстларимиздан бирига сим қоқсак, у: «Ҳозир бориш шартми? Бир кун минг кун бўлмас, эртага ишдан чиқиб бафуржа бориб келармиз. Унинг устига ишдан жуда чарчаб келганман», деб шахдимизни қайтариб, тақлифига қўндирди.

Эртасига дўстимиз билан белгиланган вақтда учрашдик. Касал қўргани қуруқ қўл билан бориб бўлмайди. «Олой» бозорига кириб мева-чева харид қилдик. Катта бир халтани тўлдириб йўлга тушдик. Манзилга етиб бориб кадрдонимиз ётган палатани сўраб-суриштирдик. Шифокорлар бошларини сарак-сарак қилиб кечикганимизни айтишди.

— Нима бўлди, соғайиб уйга қайтдимми? — сўрадик шошиб.

— Шундай бўлса қошки эди, — дейишди улар. — Кадрдонингизни сақлаб қолмадик. У бундан ярим соат олдин оламдан ўтди.

Турган жойимизда қотиб қолдик. Шу топда иккала-миз ҳам кечикганимиздан афсус-надомат чекардик. Кун, соат, ҳатто дақиқалар қадри ана шунақада жуда-жуда билинаркан-да.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

ИЗОҲГА ҲОЖАТ ЙЎҚ

Яқин бир танишим бор. Олий маълумотли. Ўзи қайсидир илмий-текириш институтда ишлайди. Кўпинча у менга телефон қилиб қайси қарор қачон чиққанини тез-тез сўраб туради. Иши битган, яна узр оҳангиди:

— Минг қилса ҳам журналистларга тан бермай иложимиз йўқ. Сабаби, улар газета орқали қўндалик янгиликлардан хабардор бўлиб туришади. Бу масалада сенга мурожаат қилишнинг боиси шундан. Безовта қилган бўлсам кечирасан, — деб қўяди.

Баъзан унинг бемаврид қўнгирок қилганидан бироз ғашим келса-да, юз амри иссиқлик қилиб индамайман. Шу танишим билан яқинда кўчада учрашиб қолдим.

— Кўрганим яхши бўлди сени. Илмий иш қилаётгандим. Шунга бир-иккита қарорларнинг тўлиқ номланиши керак бўлиб қолди, — деди мен билан қўриша туриб.

— Ўзинг газета ўқийсанми ҳеч?

Асабданми, ёки унинг ҳар галги бир хил саволидан ранжиганимданми, беихтиёр оғзимдан шу сўз чиқиб кетди.

— Ўқийман, — деди у тўсатдан берган саволимдан хижолат тортгандек. — Фурсат топганимда, вақти-вақти билан.

Илмий ходим, бунинг устига илмий даража олишга интилаётган танишимнинг рўй-рост гапидан хайрон бўлиб қолдим. Унинг бу гапи менга гувоҳномага эга бўлмай туриб, машина бошқарётган ҳайдовчининг ҳолатини эслатди. Ахир катта бир институтда ишлайдиган олий маълумотли одам шундай деб тургандан кейин унинг айтганларига қандай қилиб бошқача таъриф бериш мумкин. Шу ўринда фан доктори, профессор, атоқли олим, марҳум Малик Муродов билан бўлган бир суҳбатимизда айтган сўзларини эсладим.

— Газета менинг қўндалик ҳаётим. Бирор сабаб билан уни ўқимаган куним бугуннинг долзарб мавзуси билан танишмагандек, ўзимни энг керакли нарсамни йўқотгандек оҳиз сезаман. Ҳатто талабаларимни бугунги кун воқеалари билан хабардор эта олмаганим учун ўзимни кечира олмайман. Газета ўқимаслик, давр билан бирга қадам ташламаслик, бу сиёсий қўрлик.

Бироз нуқолай бўлса-да, ҳамроҳимга домланинг шу сўзларини эслатдим. У уйланиб қолди. Гап эгасини топи шевилли ҳар қалай қанаиша: «Айтганинг тўғри» деб қўйди. Энди бу гапни қайта изоҳлаб ўтириш ортиқча бўлса керак деб ўйлаймиз.

Маънавият

БИР ЙИЛДА 30 ТА КЎРГАЗМА

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БОШ КЎРГАЗМАСИ «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАЛАР МАЖМУАСИДА ЎТГАН ЙИЛДА 25 ТА КАТТА ЭКСПОЗИЦИЯ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. УЛАРНИ 200 МИНГГА ЯҚИН ТОМОШАБИН КЕЛИБ КЎРДИ. ЯНГИ 2007 ЙИЛДА ЭСА 30 ДАН ОРТИҚ КЎРГАЗМАНИ ТАШКИЛ ЭТИШ КЎЗДА ТУТИЛДИ. ШУЛАРДАН 21 ТАСИ ХАЛҚАРО ИХТИСОСЛАШГАН ЭКСПОЗИЦИЯЛАРДИР.

Учта кўргазма эса чет эл миллий кўргазмалари бўлиб, улардан Россия, Бангладеш ва Польша экспонатлари ўрин олади.

Бундан ташқари Ярослав вилоятининг Ўзбекистондаги ҳамкорликдаги корхоналари маҳсулотлари асосида очиладиган кўргазма экспонатлари ҳам томошабинлар эътиборини ўзига тортади.

Марказ ташаббуси билан «Кўркам ва эстетик тиббиёт», «Уйингизнинг ўзига хос жиҳозлари» деб номланган халқаро кўргазмалар ташкил этилади. Улардаги экспонатлар бир неча кун намоиш қилинади.

МАРКАЗНИНГ ТАРИХ МУЗЕЙИ

РЕСПУБЛИКА ЁШ САЙЁҲЛАР ВА ЎЛКАШУНОСЛАР МАРКАЗИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДАГИ САЙЁҲЛИК, ЎЛКАШУНОСЛИК, МУЗЕЙ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТУВЧИ ДАРҒОҲ СИФАТИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТИБ КЕЛМОҚДА.

Ўқувчи-ёшларни ватанпарварлик, миллий гурур руҳида тарбиялаш йўлида ҳам кенг қўламли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда ўқувчилар сайёҳли ва ўлкашунослик иши йўлга қўйилганлигига 70 йил тўлиши муносабати билан эса ўлкашунослик тарихи музейи очилди.

Ушбу музей экспозицияси экспонатларга бой. Уларда республикамизда фаолият кўрсатаётган мактаб жамоатчилиги музейлари ҳақида ҳикоя қилувчи материаллар ўз аксини топган. Шу сана муносабати билан марказ томонидан ўтказилган сайёҳлик-ўлкашунослик ишларининг сиртки танлови ғолиблари ҳам аниқланди.

Жамшид ГАЗИЕВ

ДАРСЛИК ҚАЙТА ЧОП ЭТИЛДИ

РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ ОЛИЙ ТЕХНИКА ЎҚУВ ЮРТЛАРИ КИМЭ ТЕХНОЛОГИЯ ҲАМДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА БИЛИМ ОЛАЁТГАН ТАЛАБАЛАР ЯНА БИР МУКАММАЛ ЎҚУВ АДАБИЁТИГА ЭГА БЎЛДИЛАР.

«Ўзбекистон» нашриёти чоп этган «Умумий ва анорганик химия» деб номланган бу дарслик янги алифбода кўп нусхада чиқарилди. Тошкент кимё-технология институтининг бир гуруҳ етакчи олимлари муаллифлигида босмага тайёрланган мазкур дарсликнинг қирилл ёзувидаги нашри «Истеъдод» республика жамғармаси мукофотида сазовор бўлган эди.

Ғолиб деб топилган мазкур ўқув адабиётининг навбатдаги нашри ўқув дастури талабалари бўйича қатор материаллар билан тўлдирилган ҳолда талабаларга тақдим этилди.

ЭНГ ЯХШИ ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИ

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ДАРСЛИГИ ВА ЎҚУВ АДАБИЁТИ МУАЛЛИФИ» 2006 ЙИЛ РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИДА ҒОЛИБ ДЕБ ТОПИЛГАН ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУАЛЛИФЛАРИ РЎЙХАТИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.

Магистратуранинг ҳар бир блоки учун энг яхши ўқув қўлланма номинацияси бўйича танловда «Усимликлар кўпайиш биологияси» деб номланган ўқув адабиёти совринли биринчи ўринни эгаллади.


Умумий методологик фанларга бағишланган ўқув адабиётлари орасида «Бетон технологияси» қўлланмаси юқори баҳоланди. Тошкент архитектура ва қурилиш институти томонидан тақдим этилган бу нашр профессор Бахтиёр Асқаров бошчилигидаги муаллифлар иштирокида босмага тайёрланди. Танловда бир неча ўқув адабиётлари муаллифлари рағбатлантирувчи ўрин билан тақдирланган.

НАШРИЁТНИНГ НАВБАТДАГИ КИТОБЛАРИ

«ЧЎЛПОН» НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИНИ ҲАМ КЎПЛАБ ЧОП ЭТМОҚДА. БУНДАЙ ДАРСЛИК ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРИДАН ЯНА УЧТАСИ БОСМА ЮЗИНИ КЎРДИ.

«Экология» деб номланган дарслик ўзбек ва рус тилларида тақдим этилди. Уларда атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан унумли фойдаланиш, иккиламчи хом ашёларни қайта ишлаш каби мавзуларга кенг ўрин берилди. «Экология» касб-хунар коллежларига яхши соғва бўлди. Нашриёт босиб чиқарган навбатдаги ўқув қўлланмаси «Геоморфология» деган номда тақдим этилди. Нашрда геоморфология фанининг назарий асослари билан бир қаторда рельеф тушунчаси, рельеф ҳосил қилувчи жараёнлар атрофича ёритилди.

Ақбар АЛИЕВ



МАШРИҚЗАМИН— ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

Атласу зарбофтаро нодон анингдек маҳв эрур,
Ким хатон сафҳада сабт ўлди афшонлар аро.
Олтин нақшлик саҳифага ёзилган хато сўз билинма-
гани каби, зарбоф тўнлар ичидаги нодоннинг ҳам но-
донлиги аширин қолади.

Ато ҳам турфа ишдур, турфарок ул—
Агар йўқдир анинг ёнида миннат.
Бировларга бир нарсаси бериш яхши иш, агар берув-
чи берганини миннат қилмаса, яна ҳам яхши.
Ахли ҳимматро зи ноҳамворийи гардун чи бок?
Сайри анжумро чи ғам, к-он дар замин жўю
жараст.

Ҳиммат аҳлига осмоннинг бир текис эмаслигидан
нима кўринч, юлдузларнинг юришига ердаги ариқлар
ва жарлардан нима ғам?

Ақл, к-аз ишқ гурезад, чи таажуб бошад?
Пири ақл аст бари ишқ чу тифли мактаб.
Ишқ келганда ақл қочса, бунинг ҳеч ажабланидиган
жойи йўқ, чунки ишқ олдида ақл пири мактаб боласи
каби бўлиб қолади.

Аз рўзгор чун нарасад ғайри тафрика,
Будан асири тафрика рўзгор чист?
Дунё ҳаёлингни паршон қилишдан бошқасига яра-
майди. Бинобарин, бу паршонлиқа асир бўлишдан
нима наф?

Аз авоми тираи пурхирси дунё дур бош,
Гар ҳамеҳоҳи, ки гардад сад машаққат аз
ту рафъ.

Юз бир машаққат сендан узок бўлишини истасанг,
дунёга ҳаддан ташқари хирс қўйган очқўз оломондан
узоклаш.

Агар ишқ дардидин менга юз минг укубатдур,
Вале ҳамдардсизлиг андин ортуғрок суубатдур.
Агар ишқ дарди тўфайли менга юз минг укубат юз-
ланган бўлса, бир ҳамдардим йўқлиги ундан ортиқроқ
азоб бўлди.

Аблаҳ ани билки, оламдин бақо қилғай таъма,
Аҳмақ улким, олам аҳлидин вафо қилғай таъма.

Бу оламдан бақо умид қилгани нодон деб бил, олам
аҳлидан вафо умид қилгани аҳмоқ.

Ақлу ҳикмат ишидур бўйла маошу ойн,
Қайда топқай мун қар нафсарасту худбин.
Ақлу ҳикмат кишига шундай зебу зийнат бағишлай-
дики, бу давлатга ҳар қандай нафсарасту худбин етол-
майди.

Аҳбоб, йигитлики ганимат тутунгуз,
Ўзин қарилқ меҳнатидан қўруқтунгуз,
Ойини адовату ҳасаддан ўтунгуз,
Ҳар навъ ила ўзин неча кун овуқтунгуз.
Эй дўстлар, йигитлик чоғини ганимат тутинг, ўзин-
гизни қарилқ қайғу ҳасрати билан қўрқитинг. Адовату
ҳасад иллатини тарқ этинг, шу тариқа ҳар хил нарсалар
билан бу ўткинчи дунёда ўзингизни бир неча муд-
дат овуқтинг.

Анингким, шохларга хизмати ҳўбрак, қўруқч
кўпрак.

Ким шохларга қанча кўп хизмат қилса, ҳаёти шунча
хавф остида бўлади.

Афтодалиг била ҳўй тут ва шикасталиг била
кўнгулни овуқ.

Камсуқумлики одат қил ва хоқсорлик билан
кўнгулни овуқ.

Айтур ерда унутма, айтмас, ерда ўзунги мута
каллим тутма.

Зарур жойда ғалир, зарурати бўлмаганда ўзинг-
нинг нотиклигини намоён қилма.

Агар нодон маҳалсиз ҳарзақим айтур вале
ештур—

Кулоққа ёқмаса, манъига танбеҳ айламак
бўлмас.

Эшак савти Каломуллоҳда келди анкар
ул-асвот,

Анинг савтига тақрибу таҳоший истамак бўлмас.
Агар нодон бемаҳал валдираса, кулоққа ёқмаса ҳам,
насиҳат билан уни тўхтатиб бўлмайди. Каломуллоҳда
эшакнинг хантраши дунёдаги энг ёқимсиз овоз дейил-
ган, мингҳазар қилган билан, яқинингда экан унинг ово-
зидан қочиб қўтулиш имконсиз.

Айш, Навоий, неча дилқашдур,
Лек адаб бирла ҳаё ҳушдур.

Эй Навоий, айшу ишрат ҳар қанча ёқим бўлмасин,
лекин одоб билан ҳаё ундан ҳам яхшироқдир.

Адл айлаки, ул халқ ҳаёти бўлмиш,
Хуш улқишиқим, адл сифоти бўлмиш,
Ҳам мулк била адл жиҳоти бўлмиш,
Ҳам адл била мулк саботи бўлмиш.

Адолат айлаки, халқ ҳаёти шу асосга қурилган. Яхши
киши адолатни касб қилиб олади. Ҳукмронлик адолат
билан мустаҳкам бўлади, бинобарин, ҳукмронлик ва адо-
латни бирга олиб борган маъқул.

Авжи шараф узра офтоб ўлди ҳаё,
Бўстони саодатга саҳоб ўлди ҳаё,
Мазмун хасоилга ҳижоб ўлди ҳаё,
Эл айнига гўёки ниқоб ўлди ҳаё.

Ҳаё улғулик осмонининг энг чўққисига юксалган қўш-
дир. Саодат бўстони устидаги саҳоват бўлтидир. Ле-
кин у базиди ёмон сифатларни яшириб, эл кўзига
тўтилган ниқоб вазифасини бажаради.

Асли мақсуд соридур йўл суҳбат,
Фархунда кишики, топқай ўшул суҳбат,
Яхши кишилар бирла тутар бўл суҳбат,
То бергай амон шарирдин ул суҳбат.

Суҳбат аслида мақсадга олиб борадиган йўл ҳисоб-
ланади. Бундай суҳбатга бахтли киши муяссар бўлади.
Яхши кишилар билан ҳамсуҳбат бўл, бу сени ҳар қан-
дай ёмонликлардан асрайди.

Агар бор эса поклик нияти,
Анга ёр ўлур поклар ҳиммати.

Агарчи тилини тийиш киши учун қийин бўлса-да, унга
эрк бериш бошга бало келтиради.

Асрадинг каттон кафан қилмоқ учун, не
судким,

Ҳашр бозорида беқийматбур мундоқ маъто.
Кафналиқа деб қатон (канопдан тўқилган мато) олиб
қўйиш, яъни ўлимликка деб нарсаси йиғининг фойдаси
йўқ, чунки охираг бозорида мол-дунё ҳеч қандай қий-
матга эга эмас.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ООО «MUNITSIPAL AUCTION MARKAZI» ПРИГЛАШАЕТ НА ОТКРЫТЫЕ АУКЦИОННЫЕ ТОРГИ НА ПОВЫШЕНИЕ,

которые состоятся 6, 13, 20, 27 марта 2007 года в 11.00 в здании «MUNITSIPAL AUCTION MARKAZI» по адресу: г. Ташкент, Ц 14, д. 19 (2-й этаж).

На торги выставаются здания, сооружения и имущество ликвидируемого АО «Охан-гаронлипласт», которое расположено в промышленной зоне г. Ахангарана Ташкентской области.

Стартовая цена 3 804 600 000 сумов.

На предприятии установлено оборудование, имеющее производственную мощность на выпуск

в год 4300 тыс. кв. м линолеума, 23000 тыс. кв. м различной пленочной продукции, 200 тонн полиэтиленовых труб, а также 500 тонн различной продукции, изготавливаемой из пластмассы.

Краткая характеристика зданий:

общая площадь — 23,0 га, площадь здания и сооружения — 18,6 га, производственная площадь — 4,3 га;

— 4 караульных помещения площадью: 9,12 кв. м, 10,56 кв. м, 9,42 кв. м, 26,52 кв. м;

— 7 производственных цехов и 4 производственных здания площадью: 273,7 кв. м, 53,11 кв. м, 1012,05 кв. м, 1273,3 кв. м, 12767,5 кв.м, 122,83 кв. м, 172,8 кв. м, 6210,9 кв. м, 313,73 кв. м, 172,63 кв. м, 43,68 кв.м;

— 6 туалетов площадью: 6,72 кв. м, 6,76 кв. м, 5,65 кв. м, 11,76 кв. м, 15,12 кв. м, 11,7 кв. м;

— здания 11 складов площадью: 914,86 кв. м, 336,42 кв. м, 402,28 кв. м, 203,7 кв. м, 673,5 кв. м, 89,79 кв. м, 97,44 кв. м, 162,56 кв. м, 301,66 кв. м, 74,71 кв. м, 742,14 кв. м;

— 3 водоема площадью: 207,36 кв. м, 106,79 кв. м, 114 кв. м;

— 4 двухэтажных здания площадью: 665,82 кв. м, 298,87 кв. м, 982,8 кв. м, 32,16 кв. м;

— 11 навесов площадью: 320,76 кв. м, 76,7 кв. м, 17,1 кв. м, 443,05 кв. м, 419,56 кв. м, 510,3 кв. м, 987,6 кв. м, 66,24 кв. м, 22,18 кв. м, 115,2 кв. м, 24,36 кв. м;

— 18 зданий по снабжению площадью: 46,75 кв. м, 33,86 кв. м, 45,48 кв. м, 29,78 кв. м, 20,7 кв. м, 27,04 кв. м, 14,52 кв. м, 48,06 кв. м, 44,46 кв. м, 85 кв. м (двухэтажное), 14,56 кв. м, 28,32 кв. м, 75,64 кв. м, 13,96 кв. м, 2251,1 кв. м (трехэтажное), 1871,5 кв. м (двухэтажное), 9,24 кв. м, 42,78 кв. м;

— здание ГСМ — 103,84 кв. м, бункер — 414 кв. м, кран — 581,41 кв. м, подземное водохранилище — 398,37 кв. м, автохозяйство — 614,84 кв. м, здание трансформаторной подстанции ТС 110/35/6 — 221,44 кв. м.

Двухэтажное здание профилактория, расположенного в Урта-Чирчикском районе, пос. Туябугиз (Ташморе), общей площадью — 14723 кв. м, площадь строительства — 585,80 кв. м. Профилакторий состоит из административного здания — 368 кв. м, сауны — 54 кв. м, здания столовой — 163,8 кв. м. Стартовая цена 16516000 сум.

Прием заявок на участие в аукционе прекращается за 1 час до начала торгов.

Желающие участвовать в открытом аукционе должны внести сумму задатка в размере 10 процентов от стартовой цены объекта на расчетный счет организатора торга

ООО «MUNITSIPAL AUCTION MARKAZI»

р/с 20208000804555055001, МФО 00821, ИНН 300053338

телефон: 144-88-04.

Свидетельство: № 001568-09.

Хурматли ишбилармонлар ва тадбиркорлар!

«Munitsipal Auction Markazi» сизларни 2007 йил 6, 13, 20, 27 март, 3, 10, 17, 24 апрель кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтадиган АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Аукцион савдоларида Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан, Тошкент шаҳар ҳудудида жойлашган қуйидаги якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер участкаларига мерос қилиб қолдирилган умрбод эгалик ҳуқуқи қўйилади.

№	Ер участкаларининг жойлашган манзили	Ер участкаларининг сатҳи (га)	Бошланғич баҳоси (сўм)
1	2	3	4
1	Шайхонтоҳур тумани, Қозиробод 2-тор кўчасида жойлашган	0,017	571 200
2	Юнусобод тумани, Соҳибкор кўчасида №1-сон ер участкаси	0,04	1 804 800
3	Юнусобод тумани, Соҳибкор кўчасида №2-сон ер участкаси	0,04	1 804 800
4	Юнусобод тумани, Орифов кўчаси, №3-сон ер участкаси	0,03	1 169 280
5	Юнусобод тумани, «Ҳасанбой» даҳаси, 2-мавзе ҳудудида	0,03	709 800
6	Юнусобод тумани, «Ҳасанбой» даҳаси, 1-мавзе ҳудудида, №3-сон ер участкаси	0,04	946 400
7	Юнусобод тумани, А.Дониш кўчасида	0,015	493 200
8	Шайхонтоҳур тумани, Каттабўғ 7-тор кўчаси	0,012	454 608
9	Мирзо Улугбек тумани, Устабоев кўчаси	0,0085	131 733
10	Шайхонтоҳур тумани, «Қоратўш» даҳаси, Чақар маҳалласи, Қураш кўчаси	0,025	1 988 000
11	Мирзо Улугбек тумани, Ҳ.Абдуллаев кўчасида	0,04	1 372 800
12	Мирзо Улугбек тумани, Ҳ.Абдуллаев кўчасида	0,04	1 372 800
13	Мирзо Улугбек тумани, Ҳ.Абдуллаев кўчасида	0,04	1 372 800
14	Мирзо Улугбек тумани, Ҳ.Абдуллаев кўчасида	0,03	1 029 600
15	Мирзо Улугбек тумани, Олмачи кўчасида	0,04	1 716 000
16	Мирзо Улугбек тумани, Олмачи кўчасида	0,04	1 716 000
17	Мирзо Улугбек тумани, Олмачи кўчасида	0,02	858 000
18	Мирзо Улугбек тумани, Ш.Бурхоннов кўчасида 1-сон ер участкаси	0,04	984 000
19	Мирзо Улугбек тумани, Ш.Бурхоннов кўчасида 2-сон ер участкаси	0,04	984 000
20	Мирзо Улугбек тумани, Ш.Бурхоннов кўчаси	0,02	492 000
21	Сергели тумани, Богчинон кўчасида	0,035	833 000
22	Сергели тумани, Қуйи толариқ 3-тор кўчасида	0,018	201 600
23	Юнусобод тумани, радиостанция ҳудудида	0,008	438 400
24	Юнусобод тумани, радиостанция ҳудудида	0,008	438 400

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

Савдодо қатнашиш истагини билдирган талабгорлар ер участкалари бошланғич нархидан 5 фоизи миқдорида за-
калат пулини савдо ташкилотчиси «Munitsipal Auction Markazi» халқ банки шаҳар бўлимидаги МФО 00821, СТИР

300053338, 20208000804555055001 ҳисоб рақамига ўтқа-
зишлари шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, М-14, 19-уй.
Телефон: 144-88-04
Гувоҳнома: № 001568-09

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

очиқ аукцион савдоларида тақлиф этади.

2007 йил 6 март кун соат 11:00да Тошкент ша-
ҳар, Собир Раҳимов тумани, М.Уразбоев кўчаси, 1-а
уй, Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) бини-
сининг савдолар залида бошланғич баҳоси босқич-
ма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ
аукцион савдосига суд ижрочилари томонидан хат-
ланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқ-
да:

1. Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочила-
рининг 25.01.2007 йилдаги №11466/3-сонли ижро
ҳужжати билан хатланган, Тошкент шаҳри ИИББ Ах-
борот Маркази оғборхонасида сақланаётган, 1975
йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақа-
ми 30 О 3356 бўлган, «ВАЗ 21011» русумли
автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 1 630 000 сўм.

2. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочи-
ларининг 15.01.2007 йилдаги №1047 ижро ҳужжати
билан хатланган, Тошкент вилояти Зангиота тумани
Эшонгузар манзилида сақланаётган, 1996 йилда иш-
лаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақа-ми 30Н0712
бўлган «ДАМАС» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 2 500 000 сўм.

3. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочи-
ларининг 15.01.2007 йилдаги №1047 ижро ҳужжати
билан хатланган, Тошкент вилояти Зангиота тумани
Эшонгузар манзилида сақланаётган, 1978 йилда иш-
лаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақа-ми 11Т 0570
бўлган «Зил-131В» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 2 000 000 сўм.

4. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочи-
ларининг 25.01.2007 йилдаги №1460 ижро ҳужжати
билан хатланган, Тошкент вилояти МХХнинг ҳовлиси
Спитамен кўчаси 34-уйда сақланаётган, 2002 йилда
ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақа-ми 11
N 2535 бўлган «НЕКСИЯ» русумли автотранспорт воси-
таси.

Бошланғич баҳоси — 4 000 000 сўм.

5. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочи-
ларининг 25.01.2007 йилдаги №1460 ижро ҳужжати
билан хатланган, Тошкент вилояти МХХнинг ҳовлиси
Спитамен кўчаси 34-уйда сақланаётган, 2000 йилда
ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақа-ми 11
M 8998 бўлган «ВАЗ-21099» русумли автотранспорт
воситаси.

Бошланғич баҳоси — 5 000 000 сўм.

6. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочи-
ларининг 25.01.2007 йилдаги №1460 ижро ҳужжати
билан хатланган, Тошкент вилояти МХХнинг ҳовлиси
Спитамен кўчаси 34-уйда сақланаётган, 2002 йилда
ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақа-ми 11
N 2602 бўлган «ТИКО» русумли автотранспорт воси-
таси.

Бошланғич баҳоси — 3 000 000 сўм.

7. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочи-
ларининг 25.01.2007 йилдаги №19227 ижро ҳужжати
билан хатланган, Тошкент вилояти МХХнинг комен-
датураси ТТЗ-4да сақланаётган, 2005 йилда ишлаб
чиқарилган, техник носоз, давлат рақа-ми 30 О 8011
бўлган «НЕКСИЯ» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 7 000 000 сўм.

8. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочи-
ларининг 25.01.2007 йилдаги №1470 ижро ҳужжати
билан хатланган, Юнусобод тумани Ц-5 «Шаҳнозабо-
ну» ХФга қарашли жарима майдончасида сақланаёт-
ган, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, дав-
лат рақа-ми Н980ЕКМ бўлган «Опел-Омега» русумли
автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 20 000 000 сўм.

9. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочи-
ларининг 25.01.2007 йилдаги №20333 ижро ҳужжати
билан хатланган, Тошкент шаҳар ИИБ ИХХБ қараш-
ли Эркин пости жарима майдончасида сақланаётган,
1995 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат
рақа-ми 10 N 2476 бўлган «ГАЗ-310290» русумли ав-
тотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 200 000 сўм.

«Тошкент оқшом» газетасининг 17.01.2007 йил-
даги №11 (10.820)-сонли Миробод тумани суд ижро-
чилари томонидан 16.01.2007 йилдаги №К-7/15-сон-
ли хатига асосан бошланғич баҳоси — 1 000 000 000
сўм бўлган, «NIGSA» МЧЖ ҳисобидаги, Тошкент ша-
ҳар Миробод тумани, Афросиёб кўчаси 12-уй манзи-
лида жойлашган, 2002 йилда қуриб битказилган, ма-
иший хизмат мажмуаси, дўкон ва офис хоналаридан
иборат 5 қаватли ҳамда ертўласига эга бўлган умум-
ий майдони 3350 кв.м. бўлган бинонинг аукцион
савдоси Тошкент шаҳар Ҳўжалик судининг 2007 йил
24 январдаги №10-0714/799-сонли ахрим ишига му-
вофиқ тўхтатилганлигини маълум қиламиз.

2007 йил 6 мартдаги аукцион савдосида сотилма-
ган автотранспорт 13, 15, 20, 22, 27, 29 март, 3, 5,
10, 12, 17, 19, 24, 26 апрель ва 1, 3 май кунлари
ўтказиладиган аукцион савдосига тақдоран қўйили-
шини маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидор-
лардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлашти-
риш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатила-
ди.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар
(юридик ва жисмоний шахслар) объект бошланғич
баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорида
закалат пулини РКМБнинг қуйидаги ҳисоб рақа-мига:

АТИБ «Ипотекбанк» Шайхонтоҳур филиалидаги
х/р: 20210000700571452062, МФО: 00425, ИНН
200933850.

Телефонлар: 399-79-52, 144-44-73, 144-44-72.